

# **13-мавзу: АЛОХИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР ЕРЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

## **РЕЖА:**

- 1. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари тўғрисида тушунча.**
- 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 6. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари.**

**13-мавзу 2-мавзу:  
ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ  
МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

**РЕЖА:**

- 1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг таркиби.**
- 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**

# Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси модели

Талабалар сони 96	13-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси ва таркиби тўғрисида тушунча. 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.
Машғулотнинг мақсади:	Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси ва таркиби тўғрисида тушунча.ни беради. 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунчалар беради.	1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси ва таркиби тўғрисида тасаввур шаклланади. 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввур шаклланади..
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, слайдлар
Ўқитиш шакли	жамоавий
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компютер билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг баҳолаш	блиц сўров

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ


Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

# **ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН СЎРОВЛАР:**

**1. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари тушунчаси нимани англатади?**

**2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлари тушунчаси нимани англатади?**

**3. Алоҳида муҳофаза этиладиган ерлар ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тушунчаси бир биридан нимаси билан фарқланади?**



# АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР ЕРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МАНБАЛАР

## қонунлар

Ўзбекис.  
Респуб.  
[Ер кодекси](#)

30.04.1998

Ўзбекис.  
Респуб.  
қонуни  
«ҲАЙВОНОТ  
[ДУНЁСИНИ](#)  
[МУҲОФАЗА](#)  
[ҚИЛИШ ВА](#)  
УНДАН  
[Фойдаланиш](#)  
[Тўғрисида](#)»

26.12.1997

Ўзбекистон  
Респуб.  
қонуни  
[“ЎСИМЛИК](#)  
[ДУНЁСИНИ](#)  
[МУҲОФАЗА](#)  
[ҚИЛИШ ВА](#)  
УНДАН  
[Фойдаланиш](#)  
[Тўғрисида](#)»

21.09.2016

## ҚОНУН ОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекис.  
Респуб.  
Президенти  
Фармони  
[ПФ-5863](#)

30.10.2019

Ўзбекис.  
Респуб.  
Президенти  
Фармони  
[ПФ-5742](#)

17.06.2019

Ўзбекис.  
Респуб.  
ВМ  
Қарори  
[737-  
сонли](#)

05.09.19

Ўзбекис.  
Респуб.  
ВМ  
Қарори  
[347-сонли](#)

22.04.19

**ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ЕРГА ҚАЙСИ ЕРЛАР КИРАДИ?**

ЕКнинг  
71-моддаси

**Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар** жумласига давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликларининг белгиланган тартибда корхоналар, муассасалари ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлар



**ТАБИАТНИ  
МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ  
МАҚСАДЛАРИГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ЕРЛАР ҚАНДАЙ  
МАҚСАДЛАР  
УЧУН ХИЗМАТ  
ҚИЛАДИ?**

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун ва барқарор ижтимоий иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш

экология тизмлари лондшод ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш

экология хавфсизлигини таъминлаш

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш мақсадида фойдаланилади

**ТАБИАТНИ  
МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ  
МАҚСАДЛАРИГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ЕРЛАР  
ТАРКИБИ  
(ЕК 72-модда)**

давлат қўриқхоналари

миллий ва дендрология боғлари

ботаника боғлари

заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар  
бундан мустасно),

Табиат ёдгорликлари

**ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ  
ҲОЛАТИ**

ЕК. 72-модда

. Мазкур ерларда уларнинг белгиланган мақсадига зид бўлган фаолият тақиқланади.

Давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари режимини таъминлаш учун муҳофаза зоналари таъсис этилиб, ушбу зоналарнинг ерларида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади

# ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ВА БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНА ТУШУНЧАЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

“МЭТХТ” қонуннинг  
18,30-моддалари

**Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади.**

Давлат қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилади.

**Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳисобланади.**

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади

## ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

“

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритиш бундан мустасно. Давлат қўриқхоналарида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудида ҳамда уларнинг қўриқланма зоналарида тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарининг ёки улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органларининг ходими ҳисобланмайдиган фуқароларнинг давлат қўриқхоналари ҳудудида бўлишига уларда ана шу органлар ёки давлат қўриқхонаси маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

## БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАЛАР ТУРЛАРИ

ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларини, тирик организмларнинг кўчиб ўтиш йўлларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналар

айрим қазилма объектлар ва уларнинг мажмуаларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик буюртма қўриқхоналар

қимматли сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналар

нодир геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналар

## БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАЛАР ТУРЛАРИ

умумдавлат аҳамиятига молик

маҳаллий аҳамиятга молик

## БУЮРМА ҚЎРИҚХОНАЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИДА ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАР МАВЖУД?

Буюртма қўриқхоналарнинг ҳудудида, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини истисно этганда, айрим табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият доимий равишда ёки вақтинча чекланади ёки тугатилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги давлат буюртма қўриқхоналари жойлашган ҳудудлар ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, шунингдек ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг хўжалик мақсадидаги фойдаланишидан олиб қўйилмайди. Мазкур буюртма қўриқхоналар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ва (ёки) акватория участкаларида ташкил этилган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар буюртма қўриқхоналарнинг белгиланган режимига риоя этишлари шарт.

Ҳар бир буюртма қўриқхона режимининг хусусиятлари, мазкур буюртма қўриқхона қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

## ҚЎРИҚЛАНМА ЗОНАЛАР ТУШУНЧАСИ

“МЭТХ” 47-модда

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари ва миллий боғлар билан чегарадош ҳудудлар қўриқланма зоналардир. Қўриқланма зоналарда ушбу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Қўриқланма зоналарнинг ўлчамлари ва режими, шунингдек ер участкаларини сақлаш вазифаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади.

Давлат қўриқхонаси қўриқланма зонасининг бир қисми экологик туризмни ташкил этиш, мазкур ҳудуд учун хос бўлган камёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш мақсадида табиий питомниклар барпо этиш учун ҳамда қўриқхонанинг бошқа эҳтиёжлари учун шу қўриқхонанинг ўзига топширилиши мумкин.

**Табиат боғлари  
(26-модда)**

Алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат боғлари ҳисобланади

**Давлат табиат  
ёдгорликлари  
(28-модда)**

Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади

**Табиий питомниклар  
(33-модда)**

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг айрим турларига зарур шароит яратиш йўли билан уларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий питомниклар ҳисобланади

**Балиқ хўжалиги  
зоналари (34-модда)**

Сув объектларини ёки уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқлар ва бошқа сув организмлари турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун, шунингдек балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар балиқ хўжалиги зоналари ҳисобланади



## РЕСПУБЛИКАДА НЕЧТА БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНА МАВЖУД?

Қўриқхоналардан ташқари камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида 10га яқин заказниклар барпо этилган. Масалан: Тошкент вилоятидаги **Оқбулоқ** заказниги, Чотқол тизмаси тармоқларида Оқбулоқ сойи ҳавзасида жойлашган бўлиб, майдони 12,5 минг гектардан ортиқ, унинг худудуида оқ тирноқ айиқ, тўнғиз, марказий Ўрта Осиё эчкиси, бўрсик ва тош сувсари муҳофаза қилинади. Бухоро вилоятидаги ташлама сувларидан ҳосил бўлган кул асосида ташкил этилган **Тўдақўл** заказнигида (майдони 30 минг гектар) қишлоғга учиб келувчи йирик қушлардан –ўрдак, ғоз, бир қозон, оқ қуш қўриқланади. **Денгиз кўл** заказнигида ҳам (8620 гектар) сув қушлардан ўрдак, ғоз, қоровой, фламинго (қизил ғоз) кабилар ҳимоя остига олинган. **Хоразм** заказнигида (майдони 11 минг гектар) кўл ва сув қушлари ҳамда сут эмизувчи ҳайвонлардан тўнғиз, шақол, тулки, бўрсик қўриқланади. **Энг жанубий-Қўхитанг** заказнигида эса (майдони 43 минг гектар) морхўр, Бухоро тоғ қўйи, бургут каби ҳайвонлар билан бирга дунё ахамиятига нолик ажойиб археологик ёдгорлик-Зарауткамар қоя ёзувлари ҳимоя қилинади

## ТАБИАТ ЁДГОРЛИГИ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ ?

“

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар турларидан муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар турларидан бири табиат ёдгорликлари ерларидир.

*Табиат ёдгорликлари деганда экологик, илмий, эстетик, маданий жихатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар тушунилади.*

Табиат объектларини табиат ёдгорлиги деб давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари эълон қилади ва улар давлат муҳофазасида бўлади.

Мамлакатимиз ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлиги ҳисобга олинган. Ерга оид қонун ҳужжатларига кўра табиат ёдгорликлари ерларидан хўжалик мақсадларида фойдаланиш ман қилинади.

**ДАВЛАТ  
ТАБИАТ  
ЁДГОРЛИКЛАР  
И ТУРЛАРИ**

табiiй сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар

айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар

табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар

қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар

геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар

## ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИДА ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАР МАВЖУД ?

Давлат табиат ёдгорлиги ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан ер участкаларини олиб қўйилмасдан туриб ҳам ташкил этилиши (эълон қилиниши) мумкин. Бундай ҳолларда табиат ёдгорлигини муҳофаза этиш мажбуриятлари шу ёдгорлик қайси корхона, муассаса, ташкилот ҳудудида бўлса, уша корхона, муассаса, ташкилот зиммасига юклатилади.

Табиат ёдгорлиги жойлашган ер участкаси табиат ёдгорлиги муҳофазасини таъминлаш мақсадида ер эгаси ёки ердан фойдаланувчидан олиб қўйилиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланишича, давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари ҳолатини таъминлаш учун муҳофаза зоналари таъсис этилиб, ушбу зона ерларида уларнинг ҳолатига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади.

**Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва берилиш нуқтаи назаридан хусусиятлари**

**биринчидан;** ушбу мақсадлар учун ерлар ўзига бир неча турдаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ерларини ўз ичига олади

**иккинчидан;** табиатни муҳофаза қилиш мақсадларга мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан кам ҳосилдор ерлар бўлиши мумкин

**учинчидан;** мазкур мақсадлар учун ерлардан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда ҳам фарқ бўлиши мумкин

**тўртинчидан;** мазкур мақсадлар учун мўлжалланган ерларда қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари ҳар қандай ишларни бажариш ва олиб бориш тақиқланади

## ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИДА ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАР МАВЖУД ?

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг Яна бир хусусиятларидан бири, ушбу категория ерларга нисбатан солиқ масаласидир. Мазкур категория ерлар қўриқхоналар, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказчиклар, табиат ёдгорликлари учун фойдаланганлиги ва улар жойлашганлиги ҳамда, ушбу ерлар фақат давлат ва жамият манфаати мақсадида алоҳида муҳофаза этилиши сабабли ҳам маълум солиқлардан озод этилади.

Ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 101-моддасини 3-қисмига биноан солиқ солинмайдиган участкалари жумласига киритилиши ҳам унинг асосий ҳуқуқий хусусиятларидир.

## ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИДА ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАР МАВЖУД ?

Амалдаги Қонун ҳужжатларига кўра, табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан нотўғри ва уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланади.

Интизомий жавобгарлик кўриқхона, миллий ва дендрология боғлари ботаника боғлари. Заказниклар, табиат ёдгорликлари мавжуд ерлар белгиланган тартибда берилган корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари томонидан шу корхонада ишлайдиган ёки уни муҳофаза қилиш тартибини бузганлик учун белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик эса ушбу категория ерларига етказилган маълум зара асосида, ерга зарар етказганлик юридик ва жисмоний шахс томонидан қопланишини зарур.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан нотўғри фойдаланиш, муҳофаза қилиш қоидалари ва уларни ҳуқуқий табиатини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” кодексининг 64-моддасида “Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш”, 82-моддада эса “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш” каби ҳолатларни бузганлик учун белгиланади.

Шунингдек, ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш талаблари ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи Жиноят кодексининг 204-моддасига асосан белгиланадию

Демак табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ушбу категория ерларини асрашга, унда экологик ҳафсизликни таъминлашга ва ушбу соҳадаги қонун талабларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.



## Хисор давлат қўриқхонаси






Нурота давлат қўриқхонаси





Бодай тўқай давлат кўриқхонаси



Китоб давлат қўриқхонаси





Варганза давлат қўриқхонаси





Зарафшон давлат қўриқхонаси

